Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 270 (4668).
27 НОЯБРЬ 1981 й.
ЖУМА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ОЛДИНДА—ЯНГИ МАРРА

Тошкент молия органларининг коллективлари ўн биринчи беш йилликнинг социал-иқтисодий вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга қаратилган ресурсларни қидириб топиш ва ишга солиш бўйича катта ишларни олиб боришяпти. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида план органлари, корхоналар ва ташкилотларнинг вакиллари билан ҳамкорликда қатор қимматли таклифлар ишлаб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни 10 миллион сўмликдан ортиқ кўпайтириш имконини берди. Бунинг натижасида шаҳар бюджетига 2,2 миллион сўмлик қўшимча даромад тушади.

Саноат корхоналари самарадорлигини ошириш, ҳисобот тўлов интизомини яхшилаш, иқтисодий ва назорат ишини кучайтириш масалаларига катта эътибор қаратиляпти. Қониқарсиз ишлаётган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича 28 та таҳлил ўтказилди, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Кустар-ҳунармандчилик бўйича қоидаларни бузаётган шахсларга нисбатан кураш кучайтирилди. Шу туфайли фақат учинчи кварталнинг ўзида давлатга планда кўзда тутилганидан 7045 минг сўмлик кўп фойда келтирилди. Киров, Фрунзе, Чилонзор, Акмал Икромов молия бўлимларининг ходимлари катта ишларни амалга оширишди.

Учинчи кварталдаги социалистик мусобақа якунларига кўра Тошкент шаҳар молия бўлими СССР молия министрлиги ва давлат муассасалари ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Куни кеча Ўзбекистон ССР молия министрининг биринчи ўринбосари А. А. Криков коллективга ана шу мукофотни топширди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IV пленуми 26 ноябрь куни ўз ишини давом эттирди.

Пленум «КПСС XXVI съезди қарорлари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида республикада чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштиришга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги докладни тинглади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов шу тўғрида доклад қилди.

Музокараларда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Сирдарё областидаги «Малик» совхозининг директори М. Е. Красильников, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Бойматов, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойипов, балиқ саноати «Балиқчи» тажриба-намуна ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Н. Труш, Бухоро область Томди районидаги Ленин номли совхоз директори Т. Мирзабеков, Наманган область Косонсой районидаги «Дўстлик» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи А. Шарипов, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Хоразм область Боғот районидаги Нариманов номли колхоз правлениесининг раиси А. Искандаров, Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтининг директори И. Ҳ. Эргашев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов якунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.



Тошкент, 26 ноябрь. Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

26 ноябрь куни Тошкентда ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси очилди.

Соат 15 да Олий Советнинг биринчи мажлиси бошланди. Ҳукумат ложаларида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **Е. Айтмуротов, Н. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов**, республика Олий Совети Президиумининг ва ҳукуматининг аъзолари ўтиришибди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **А. А. Хўжаев** очди.

Республика Олий Совети Раисининг ўринбосарлари депутатлар **Т. Охунова, М. М. Маткаримов, М. П. Павлов** раис столи ёнида ўтиришибди.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутатлар М. Я. Бурешь, Ғ. Абдуллаев хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети мандат комиссиясининг раиси депутат **З. Исроилова**нинг шу комиссия номидан қилган доклади юзасидан Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Совети 9-Юнусобод сайлов округидан 1981 йил 1 ноябрда сайланган депутат **Г. А. Крайнов**нинг, 26-Красноармейский сайлов округидан 1981 йил 31 майда сайланган депутат **К. И. Лапкин**нинг, 110-Келес сайлов округидан 1981 йил 1 ноябрда сайланган депутат **З. Раҳимбобоева**нинг 345-Советобод сайлов округидан 1981 йил 31 майда сайланган депутат **С. О. Азимов**нинг, 486-Беруний сайлов округидан 1981 йил 31 майда сайланган депутат **М. Д. Юсупов**нинг ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилди.

Сессиянинг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланади:

1. 1981—1985 йилларда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат беш йиллик плани тўғрисида.

2. 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида ҳамда 1981 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида.

3. Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1980 йилги Давлат бюджети ижроси ҳақида.

4. Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР суд тузилиши тўғрисида»ги, «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Қонунлари лойиҳалари тўғрисида.

5. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш ҳақида.

1981—1985 йилларда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат беш йиллик плани, 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида ҳамда 1981 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **Қ. А. Аҳмедов** доклад қилди.

Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРнинг 1980 йилги Давлат бюджети ижроси ҳақида Ўзбекистон ССР молия министри депутат **В. Муродхўжаев** доклади тингланди.

Депутатлар Олий Совет план-бюджет ва бошқа доимий комиссияларининг қўшимча докладини ҳам тингладилар. План-бюджет комиссиясининг раиси депутат **Л. И. Греков** доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттиради.

ОЛИМЛАР—БЕШ ЙИЛЛИККА

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари олдига халқ хўжалиги актуал проблемаларини ҳал этишда актив қатнашиш, техникани янгилаш суръатларини жадаллаштириш вазифасини қўйди. Шу йўл-йўриқлар, пленумнинг қарорлари ва СССР Олий Совети сессиясининг материаллари олимларни фан-техника тараққиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшишга, илмий тафаккур ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштиришга даъват қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институтининг коллективи бугунги кунда ўн учта катта комплекс программани амалга оширишда қатнашмоқда. Чигитни туксизлантирадиган тажриба-саноат комплекс линиядан фойдаланишнинг йиллик иқтисодий самараси тўққиз миллион сўм бўлди. Институтда яратилган шундай линиялар билан беш йиллик охиригача 12 та цех ускуналанади. Ўзбекистондаги барча пахтакор ҳўжаликларни қора чигит билан таъминлаш учун шу қувватлар кифоя қилади. Бундай чигит эрта ва қийғос униб чиқади ва пахта ҳосилдорлигини оширади.

Институт тадқиқотларининг асосий тематикаси иммисион электроника ва плазма физикаси, илмий приборсозлик билан боғланган. Коллектив ишида ишлаб чиқарувчилар билан қалин алоқада бўлиб, пахтачилик, саноатнинг турли тармоқлари учун янги технологиялар, прибор ва агрегатлар ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштиришга катта ўрин берилмоқда. Шу ижодий алоқалар сабзавотни озонлаш ёрдамида сақлаш методини, металл буюмларни азотлайдиган установка ва бошқа кўпгина янгиликларни ишлаб чиқишимиз ва жорий этишимизга имкон берди. Буларнинг ҳаммаси давлатнинг миллионмиллион сўм пулини тежади. Институт коллективи шу беш йиллиқда илм-фанга сарфланган ҳар бир сўм самарасини анча оширишни мўлжаллаб турибди.

М. САНДОВ,
Электроника институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

(ЎзТАГ).

тонгги газеталарда

● Ўртоқ Л. И. Брежнев Муборак газ комплексининг учинчи навбатини қуриш ва ишга туширишда қатнашган Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлигининг қурувчилари ва монтажчиларини, Газ саноати министрлигининг ходимлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларини, барча ишчи-ижодкор аъзоларини меҳнатдаги катта ғалаба — йилига беш миллиард кубометр табиий газ қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватига эга бўлган Муборак газ комплексининг учинчи навбати қуриб битказилганлиги билан самимий табриклайди.

● Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессиясида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат Қ. А. Аҳмедовнинг «Ўн биринчи беш йилликда ва 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида», Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. Муродхўжаевнинг «Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1980 йилги Давлат бюджети ижроси ҳақида»ги докладлари эълон қилинган.

● Андижон области қишлоқ хўжалиги механизаторлари ўн биринчи беш йиллик биринчи йили пахта тайёрлаш планини 26 ноябрда бажардилар. Тайёрлов пунктларига 590 минг тонна пахта топширилди, ҳосилнинг 335 минг тоннаси машиналарда терилди.

телетайп лентасидан

● **УЛАН-БАТОР.** Монголия еттинчи беш йиллигининг биринчи йили план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик Монголияда умумхалқ ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Шу кунларда республиканинг барча томонларидан социалистик мусобақа давомида олинган мажбуриятлар муваффақиятли бажарилаётганлиги тўғрисида саноат ва қишлоқ хўжалиги коллективларининг меҳнат рапортлари ва ҳисоботлари келиб турибди.

● **РИМ.** Мамлакатдаги энг кўп аъзоси бўлган касаба союз ташкилоти — Италия умуммеҳнат конфедерациясининг X съезди якунланди. Италия умуммеҳнат конфедерациясининг 4,6 миллионлик аъзолари номидан съездда қатнашаётган қарийб 1.200 делегат яқин 4 йилда стратегия ва тактика масалаларини, пулнинг қадрсизланишига, ишсизликка қарши, касаба союз бирдиги учун кураш проблемаларини муҳокама қилдилар. Съезд ишида тинчлик учун кураш масалалари муҳим ўрин эгаллади.

● **ВАШИНГТОН. АҚШ.** да ҳар ўн секундда квартираларга ўғри тушмоқда. Эй-би-си телекомпаниясининг хабар беришича, ўтган йилнинг ўзидагина бундай ўғрилик 14 процент кўпайиб кетган. Бу давр ичида 4 миллионга яқин америкалик оила ўғрилиқдан жабрланган. Полиция, деб таъкидлайди телекомпания, бундай жиноятнинг кўпайиб кетаётганлигидан уларга қарши чора кўришдан ожиз.

● **МАНАГУА.** Сальвадор ҳунтаси ва Гондурас реакцион ҳарбийлари Вашингтон — мадани ва Америка ҳарбий маслаҳатчиларининг иштироки билан Сальвадордаги Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронти отрядларини йўқ қилиш ва маҳаллий аҳолига жабр-зулм ўтказиш мақсадида Сальвадор — Гондурас чегарасининг катта участкасида «мителаштириш» планини амалга оширмоқда, дейилади миллий озодлик фронтининг баёнотида.

● **ПАРИЖ.** Бу мамлакатдаги энг катта сиёсий партиялардан бири-Тахрик-и-истиқлол партияси Покистондаги ҳарбий ҳолат дарҳол бекор қилинишини ва граждан эркинлиги таъминланишини талаб қилди. Покистондаги барча бошқа сиёсий партиялар сингари фаолияти тақиқлаб қўйилган бу партиянинг ишчилар комитети қабул қилган резолюцияда яқин уч ой ичида ялпи сайлов ўтказиш ва мамлакатда ҳокимиятни сайланган органга топшириш талаби илгари сурилди.

● **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистоннинг шимолий-шарқидаги Трипура штатида иш кўраётган ишчини пенсионерлар группа аъзолари яна қуролли ҳужум қилдилар. Улар штатнинг маъмурий маркази Агартала шаҳридан 85 километр нарида полиция патрули ўтирган машинани ўққа тутдилар. Ҳужум натижасида полициячилардан 4 киши жароҳатланди.

● **КУАЛА-ЛУМПУР.** Нашавандликка қарши кураш билан шуғулланувчи махсус ҳукумат комитетини бошқариб турган бош министр Ўринбосари Муса Хитам Малайзия ҳукумати нашавандликка барҳам бериш чораларини ишлаб чиққанлигини айтди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 300 мингдан кўп нашаванд бор. Буларнинг кўпи 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлардир.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

тўқимачилар маданият саройида «Ўсмир» клуби бу йилги мавсумини бошлади.

Унинг дастлабки йиғилиши «Йўқолсин нейтрон бомбаси!» деган мавзуга бағишланди. Машғулотга йиғилган комбинат ёшлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Германия Федератив Республикасига қилган сафари материаллари билан қизиқиб танишдилар. Бундан ташқари ер куррасидаги ёшларнинг халқаро тангликни юмшатиш, қуролсизланиш борасида олиб бораётган тадбирлари билан танишдилар. Кечада қатнашган ёзувчилар Юрий Ковалев ва Борис Пак жаҳон Демократик ёшларининг тинчлик учун олиб бораётган курашлари ҳақида гапириб бердилар.

республикамиз бўйлаб «Театр—болаларга ва ўсмирларга» деган ҳафталик бошланди.

Шу муносабат билан Тошкентдаги бир қатор театр коллективлари ана шу ҳафталик учун ўзларининг намойиш этиладиган асарлари репертуарларини тузиб чиқдилар. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Оҳунбобоев номли Ёш томошабинлар театри коллективи ҳафталикда Ю. Яковлевнинг «Нури дийдам «Володя», Н. Догмарнинг «Юмповаари», (озарбайжончадан таржима қилинган), «Сен нима учун яшайсан?», Гоголнинг «Ревизор» асарларини намойиш этмоқда.

Театр ҳафталиги муносабати билан тўқимачилар маданият саройида ҳам жуда кўп тадбирларни ўтказиш мўлжалланган. Бу ерда Фрунзе районидаги ўрта мактабларнинг 1—4—синф ўқувчилари учун республика кўғирчоқ театри коллективи «Сингилжон Алёнушка ва акажон Иванушка» спектаклини намойиш этди. Юқори синф ўқувчилари эса рус ёш томошабинлар театрига бориб, «Этик кийган мушук» спектаклини томоша қилдилар.

республика ёш ижодкорларининг «Илҳом» клубида Островский номли театр ва рассомчилик институтининг студентлари ўзлари тайёрлаган янги спектаклни томошабинлар диққатига ҳавола этдилар. У ёш драматург Шароф Бошбековнинг «Тиконсиз типратиконлар» асаридир. Пьесани институт ўқитувчилари Бахтиёр Назаров ва Вали Умаров саҳналаштирганлар. Бош ролларни битирувчи студентлар ижро этдилар. Янги саҳна асари ёшларнинг бир-бирига муносабати, уларнинг ҳаётда машаққатларни енгиб ўтишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Бугун

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг Марказий кўргазмалар залига қардош Чехословакия Социалистик Республикасида нафис ишланган бадиий буюмларнинг катта туркуми туширилиб олинди.

Келгуси ҳафтада бу ерда Чехословакия бадиий шиша ва биллур буюмлари савдо-кўргазмаси ўз ишини бошлайди.

Савдо-кўргазмани Чехословакиядаги «Артцентрум» ва «Словарт» ташкилотлари Ўзбекистон бадиий фонди билан ҳамкорликда ўтказади. Савдо кўргазмасида санъат ишқибозлари диққатига 140 номда буюмлар тақдим этилади. Истаган ишқибозлар нафис ва гўзал рангдор шиша идишларни, биллур буюмларни, керамика санъати намуналарини, тўқимачилик газламаларини сотиб олишлари мумкин.

Тошкент шаҳар кинолаштириш бошқармасига қарашли кинотеатрларнинг коллективлари яна бир меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили учинчи квартали социалистик мусобақаси якунлари бўйича голиб чиқдилар.

Шу муносабат билан уларга СССР кинематография Давлат комитети ва маданият ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва биринчи даражали пул мукофоти берилди.

Тошкент шаҳар кинолаштириш бошқармасининг бошлиғи Турғун Хидиров бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Шаҳримиз кинотеатрлари коллективлари учинчи кварталда томошабинларга хизмат кўрсатишда катта ютуқларга эришдилар. Ҳаммаси бўлиб 4 миллион 957 минг томошабинга кино хизмати кўрсатилди. Шу жумладан, 642 минг томошабин планга қўшимча равишда фильмлар кўришга муяссар бўлди. Шу жумладан 807 минг мактаб ўқувчиси ўзига монанд келадиган янги фильмлар билан танишди.

Кино воситалари йўли билан давлатга топширилган даромад 2 миллион 42 минг сўмни ташкил этади. Шу жумладан 372 минг сўм пул планга қўшимча топширилди.

Энг муҳими кинотеатрларда мамлакатимизда тайёрланган янги фильмларни намойиш қилиш, тематик мавзуларда суҳбатлар ўтказиш, умуман кино хизмати маданиятини ошириш борасида арзигулик ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг йўлланмаси билан республика ёш бунёдкорларининг навбатдаги бир группаси Ростов областининг Волга-Дон шаҳрида бунёд этилаётган атом машинасозлиги корхонасига кузатиб қўйилди.

Улар Ўзбекистоннинг турли корхоналари ва қурилиш ташкилотларидан йўлга чиққан турли касб эгаларидир.

Ўзбекистон ёшларининг вакиллари бугунги кунда Байкал-Амур магистрали, Красноярск ўлкасидаги Саяно-Шушенск ГЭСи, Россия Федерациясининг Новгород, Владимир, Иваново областларида меҳнат қилмоқдалар. Бу йил мамлакатимиз бўйлаб Бутунитифоқ зарбдор қурилишларига йўл олган Ўзбек йигит ва қизларининг сони 1300 кишидан ошади.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ирригаторларнинг халқаро симпозиумни ўз ишини бошлади.

Бу анжуман Совет Иттифоқи ва Франция ташқи савдо палаталарининг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

У «Суғориш каналларининг рентабеллигини ошириш, ирригация системалари ва ўғитлаб суғориш ишларини яхшилаш» масалаларига бағишланган. Симпозиумда Ўзбекистон, Киргизистон, Украина республикаларининг 350 мутахассиси қатнашмоқда.

Иккала мамлакат вакиллари шанба куни Бўстонлиқ районидаги Чорвоқ ГЭСи, Ўрта Чирчиқ районининг суғориш узели, «Политотдел» колхозининг ирригация ишлари билан яқиндан танишадилар.

Эртага

Чилонзор районидаги Пионер кўчасининг 1-«а» уйида жойлашган шаҳар клубида ўзига хос спорт байрами ўтказилади.

Бу ерда Тошкент шаҳар комсомол комитети ва шаҳар ДОСААФ комитетининг ташаббуси билан Москва остоналарида немис-фашист қўшинларининг тор-мор келтирилганининг 40 йиллигига бағишлаб ишонча отиш мусобақалари ўтказилади. Шаҳарнинг ҳар бир райони бу мусобақага ўзининг иккитадан командасини тавсия этган. Мусобақа қатнашчилари турли ташкилотларнинг совринларини олиш учун беллашадилар.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

• Инсон ҳақида ғамхўрлик — партиянинг олий мақсади • Меҳнат қонунлари бузилмасин • Ободончилик ишлари унутилгач...

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ КАДРЛАРНИ КИШИЛАРГА МЕҲРИБОНЛИК БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛИШ, МЕҲНАТКАШЛАРДАН ТУШАДИГАН ИЛТИМОСЛАР, ИСТАКЛАР ВА ТАКЛИФЛАРНИНГ ЎЗ ВАКТИДА ТЎГРИ ҲАЛ ЭТИЛИШИ УЧУН ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТАДБИРЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ АМАЛГА ОШИРСИНЛАР.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА ЎРТОҚЛАРЧА ОЧИҚ ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИДНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ, ИМЗОСИЗ ТУҲМАТ-БЎҲТОНЛАР ВУЖУДГА КЕЛИШИГА БАРҲАМ БЕРУВЧИ СОҒЛОМ, МАЪНАВИЙ ПСИХОЛОГИК ШАРОИТ, ВАЗИЯТ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ КЕРАК.

(КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнат. нашларнинг хатларн ва таклифларн билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).



Халқимизда «Дарахт бир жойда кўкаради» деган ажойиб нақл бор. Ушбу суратда акс этган Тошкент тепловоз депосининг механика устахонаси станокчилари Ҳамдам Шорасулов билан Виктор Каргопольцев ҳам кўп йиллардан буён депода меҳнат қилиб, коллектив ўртасида обрў-эътибор қозониб келаётган мураббий ишчилардир. Ҳар икки коммунистни меҳнат зарбдори халол, виждонан меҳнат қилиб, ёшларга устозлик қилиб келмоқда. Улар ўнинчи беш йиллик топшириғини уч йилда бажаришган эди, ўн биринчи беш йиллигида эса саккиз йиллик норман бажариш учун курашаяптилар.

В. Сиротнин фотоси.

Пенсионер қайси учётда туради?

Мен кўп йиллар машинасозлик корхонасида ишлаб ёки маҳалла партия ташкилоти ҳисобига ўтишим керакми? келдим. Бошланғич партия ташкилотидаги барча коммунистлар қаторида ўз зиммамга юклатилган топшириқларни сидқидилдан адо этишга интилдим. Мана энди қарилик гаштини сурадиган пайт келди: пенсияга чиқдим. Айтингчи, мен корхона партия учётида туравершим кераки Умуман қайси муассаса партия ташкилотида туриш пенсионер-коммунистнинг ўз ихтиёридами? Шунга жавоб беришларингизни илтимос қиламан.

И. САНДОВ, пенсионер.

А. МАҚСУДОВ,
«Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари.

КПСС Уставида шу нарса очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилганки, бошланғич партия ташкилотлари партия аъзолари ишлайдиган жойларда, заводлар, фабрикалар ва бошқа корхоналар, муассасаларда камида учта партия аъзоси бўлган ҳолда тузилади. Шунингдек, уй бошқармалари ҳузурида коммунистларнинг истиқомат қилаётган жойлари бўйича территориал бошланғич партия ташкилотлари ҳам тузилиши мумкин. Партия коллективларини шакллантириш, коммунистларни учётга қўйиш масалаларини ҳал этиш вақтида ана шу қоидаларга амал қилинади. Демак, пенсионер-коммунистларнинг қаерда учётда туришлари ҳақидаги масалани бошланғич партия ташкилоти ёки район партия комитети ҳал қилади.

Бизда пенсияга чиққан кўпгина ходимларга корхона яна ўз меҳнат фаолиятини давом эттириш учун кенг имкониятлар яратиб берилган. Бундай кишилар қаерда ишлашган бўлсалар, ўша корхона партия ташкилоти учётида бўладилар. Партия ташкилоти бундай кишиларнинг ҳам меҳнатда, ҳам жамоат ҳаётида активлик кўрсатишга, партиявий бурчни ҳалол бажаришга ғамхўрлик қилиши лозим.

Шуниси ҳам борки, кўпгина коммунистлар пенсияга чиққанларидан кейин меҳнат фаолиятини тўхтатадилар. Бунда нима қилиш керак? Бошланғич партия ташкилоти район партия комитетининг маслаҳатига кўра уларнинг анчагина қисмини улар истиқомат қилаётган жойдаги партия ташкилоти учётига ўтказади. Жойлардаги партия ташкилотлари аҳоли ўртасида, биринчи навбатда, ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар олиб боради, лекция ва суҳбатлар уюштиради, жамоат тартибини сақлаш ва уни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилади. Уларнинг вазифаси анча кенг. Уйдаги, район партия комитети пенсияга чиқаётган коммунистни қайси партия ташкилоти учётига юборса, пенсионер бундан бош тортмаслиги, партия ташкилотининг қарорига бўйсуниши керак, акс ҳолда бу интизомни тўғридан-тўғри бузиш ҳисобланади.

КОЛЛЕКТИВ ВА ШАХС

Ишчи нега ишдан кетди?

Ҳурматли редакция! Мен Тошкент политехника институти архитектура факультетининг кечки бўлимида ўқийман. Кундузи Тошкент тўқимачилик комбинатининг 2-ип йигирув фабрикасига қарашли савалаш цехида ишлардим. Бир йил ўтгач тунги сменада оёғимга темир тушиб, йигирма кун гипсда юрдим, бир ойдан сўнг яна ишга тушиб кетдим. Операторлик касбида ишлаш оғирлик қилди. Цех бошлиғимдан бошқа ишга ўтказишини сўрагандим, «Бу ерда ишчи етишмайди», деб унамади. Бу орада кўзимни ҳам шамоллатиб қўйдим. Операция қилишдан. Тузалгач яна ишга чиқдим. Уқишга кирганлигим учун менга бир сменали иш керак эди. Улар мени бир сменали ишга ўтказгунларича бир ҳафта дарсдан қолишга мажбур бўлдим. Шундан кейин ишчи кучи етишмайдиган —чанг тозалаш участкасига ишга қўйишди. Бу кўзимни баттар қиларди. Цех бошлиғига яна айтдим. У бўлса «Врачдан справкангиз йўқ, ишлайсиз» деди. Цех бошлиғимизни жуда ҳам ҳурмат қилардим. Шу сабаб мен улар нима иш буюрсалар шу ишни аъло даражада бажаришга уринардим. Ниҳоят, ишдан бўшамоқчи бўлдим. Чунки соғлиғим ёмонлашиб борди. Комбинат поликлиникасидаги кўз врачига мурожаат қилдим. У кўзимни номига кўриб «Ўтиб кетади, сал нарсага ҳаммангга справка бераверамани?» деб жавоб қилди. Сўнгра ишдан бўшаш ҳақида цех бошлиғига ариза ёзиб бердим. У бўлса ариза мни йиртиб ташлаб, «Кетсангиз кетаверинг, меҳнат дафтарингизни бермаймиз» деди. Анча югурдим, фойдаси бўлмади, охири ишни ташлаб кетишга мажбур бўлдим.

Мана, энди ҳам соғлиқни йўқотиб, ҳам меҳнат дафтарчамсиз бошқа ишга ниролмай сарсон бўлиб юрибман. Уларнинг шундай иш тутишга ҳақлари борми? Хўш, мен нима қилишим керак?..

Нуржамол ИСМАГУЛОВА.

Б. ҲОЛМУҲАМЕДОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинати 2-ип йигирув фабрикаси саваш цехи бошлиғи.

— Тўғри Нуржамол Исмагулова бизда 1979 йилнинг июнь ойидан бошлаб, 1981 йилнинг январигача ишлаган. Тунги сменада жароҳатланиб, касалхонада даволанib чиқди. Сўнгра биз уни масъул участкага ишга ўтказиб, бригадирликка тайинладик. Бу орада кўзи операция бўлди. Тузалиб чиққач, кечқурун ўқиётганлиги учун бизнан бир сменали иш талаб қилди. Гарчи бир ҳафта кеч бўлса-да, биз унинг талабини қондириб, чанг тозалаш участкасига ўтказдик. Очиғини айтганда, бу ерда иш оғир, ишчи кучи етишмайди. Ўқишга кирганидан сўнг прогул қиладиган бўлиб қолди. Прогулчилиги учун бир марта виговор берганмиз. Кейинчалик, бир ҳафта прогул қилганлиги учун Меҳнат қонунлари кодексининг 41-моддаси 4-банди билан ишдан бўшатдик ва бу ёзувни шахсий меҳнат дафтарчасига қайд этиб қўйдик.

Б. ТУНИЕВА,
Тошкент тўқимачилик комбинати шифохонаси поликлиникасининг бош врачи ўринбосари.

— Н. Исмагулова шифохонамизда икки марта даволанган. Биринчи марта ишлаб чиқариш жароҳати олганида оёғи 20 кун гипсда бўлди. Иккинчи марта эса кўзида шиш пайдо бўлганида биз уни операция қилдик. Мана, қўлимизда унинг касаллик варақаси турибди. Шундан сўнг бироз марта кўзи оғриганлиги тўғрисида бизга мурожаат қилмаган. Агар мурожаат қилганида эди биз албатта, унинг касаллик варақасига беморлигини қайд этган бўлар эдик.

РЕДАКЦИЯДАН: Тўғри, Н. Исмагулова кўз врачи хонасидаги стулга ўтиришга ҳам улгуролмаган. Унинг кўзини номига кўриб, остонадан қайтаришган. Шундай экан, касаллик варақасида қандай ёзув бўлиши мумкин? Иккинчи марта қишлоқдаги онаси билан (улар Пискент районида яшашади) келиб кўз врачини икки соат кутиб қайтишган.

Н. Исмагулова ҳали ёш. Меҳнат қонунларини билмагани учун шундай аҳволга тушиб қолган. У ҳатто аризасини расмийлаштиришни, ундан сўнг бир ой ишлаб, бўшаб кетиши мумкинлигини ҳам билмаган.

Цехда, умуман комбинатда ишчи кучи етишмайди. Кадрлар қўнимсизлиги катта. Аммо бу ҳеч кимга ноилож бўшашга мажбур бўлаётган ёш ишчини дўқ-пўписа билан олиб қолиш ҳуқуқини бермайди. Қолаверса, Н. Исмагулова аввалига ишдан бўшашни эмас, соғлиғига зарарсиз жойга ўтказишни талаб этган. Шундай бўлгач, Б. Ҳолмуҳамедов ёш ишчининг дардини эшитиши, у билан оталарча маслаҳатлашиши, унга йўл-йўриқ, ёрдам кўрсатиши керак эди. Ҳатто, Н. Исмагулова ишлаб чиқариш жароҳати олиб, шифохонада ётганида коллективнинг бирон бир аъзоси унинг ҳолидан хабар олмаган. Бас, гап ишчининг коллективдаги ўрни, қадр-қиммати ҳақида борар экан.

Цех раҳбари энг аввало, ишчилар тўғрисида қайғуриши лозим. Тўғри, планни бажармоқ қонун. Хўш, планни ким бажаради? Ишчи! Демак, биринчи ўринда раҳбар ўз ходимлари ташвиши билан ҳамнафас бўлса, фойдаси ҳали бўлмайди. «Раҳбар — коллективнинг отаси» деб бежиз айтмайдилар.

Тўқимачилик комбинатининг 2-ип йигирув фабрикаси саваш цехида юз берган юқоридаги воқеа бу ерда мураббийлик ишлари яхши йўлга қўйилмаганлигини, жамоатчи кадрлар бўлими, касаба союз комитети ишида ҳали камчиликлар борлигини кўрсатади. Ёш ишчининг коллективга сингиб кетиши кўп жиҳатдан раҳбар ходимларга, шу ердаги мураббийларга, қолаверса коллективнинг ҳар бир аъзосига боғлиқ.

Цехда ишлаб, соғлиғини йўқотган қиздан цех касаба союз комитети бирор кимсани юбориб хабар олиши, унинг кўзига зарар қилмайдиган бирон-бир иш топиб бериши мумкин эди-ку. Айниқса, тўқимачилик комбинатида ишчи кучи етишмай турган ҳозирги шароитда ишчининг талаб ва илтимосига бефарқ қараш, кенг ўйламасдан иш қилиш кечирилмас ҳолдир.

Ўйлаймизки, Тошкент тўқимачилик комбинати маъмурияти, партия ва касаба союз комитетидаги мутасадди ўртоқлар бу масалани оқилона ҳал этадилар.

Халқ манфаатини кўзлаб

Мамлакатимизда халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шу йил бошида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Аҳолининг социал таъминотини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» ва «Болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилишди. Бизга ана шу қарорларда кўзда тутилган қайси тадбирлар бу йил амалда жорий этилишн ва тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

А. ҲАМИДОВА, Л. АКБАРОВА, кўп болали оналар.

М. ОРИПОВА,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети социал таъминоти бошқармасининг бошлиғи.

— КПСС XXVI съездида белгиланган социал программага мувофиқ КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Аҳолининг социал таъминотини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» ва «Болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилишди. Чунки социал таъминот системасини яхшилаш халқ фаровонлигини янада юксалтиришнинг муҳим йўналишларидан биридир.

1981 йил 1 ноябрдан бошлаб, давлат пенсиялар бўйича Қонунига мувофиқ ёшига қараб белгиланган пенсияларнинг миқдори 50 сўмгача, I группа инвалидлик учун 75 сўмгача, II группа учун 50 сўмгача, умумий касаллик бўйича III группа учун 26 сўмгача, иш пайтидаги жароҳат ёки касб касаллиги бўйича 30 сўмгача оширилди.

Айни пайтда боқувчисидан маҳрум бўлиб қолганда бериладиган пенсияларнинг минимал миқдори қуйидагича оширилди:

— оиланинг меҳнатга лаёқатсиз бир аъзоси учун —28 сўм;

— меҳнатга лаёқатсиз икки киши учун— 50 сўм;

—уч ёки ундан ортиқ меҳнатга лаёқатсиз киши учун — 75 сўм.

Боқувчисидан маҳрум бўлиб қолганда бериладиган, шу жумладан тўлиқсиз иш стажи бўлганда белгиланадиган пенсиялар оширилади. Бунда 16 ёшга тўлмаган ҳар бир бола учун олинадиган пенсия (ўқувчилар 18 ёшгача) ойига 20 сўмдан кам бўлмаслиги керак.

1981 йилнинг 1 ноябридан бошлаб беш ва ундан кўпроқ боласи бўлган ҳамда уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар, шунингдек гўдаклик чоғидан инвалид бўлган болаларни саккиз ёки ундан ортиқ ёшгача тарбиялаган оналар пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишди: бунда уларга 55 ёшга тўлганда тўлиқсиз иш стажи билан, агар улар камида 5 йил ишлашган бўлса, иш вақтида пенсия ёшига тўлиши ва пенсия олиш учун мурожаат этилган пайтда уч йиллик узлуксиз иш стажи бўлиши талаб этилмасдан қарилик пенсияси белгиланади.

1981 йил 1 декабрдан ёлғиз оналарга ҳар ойда давлат томонидан бериладиган нафақалар ҳар бир бола учун 20 сўмгача оширилади ва бола 16 ёшга тўлгунча (стипендия олмайдиган ўқувчилар 18 ёшга тўлгунча) тўлаб турилади.

Кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида СССРда болалари бўлган 4,5 миллион оиланинг ва 14 миллионга яқин пенсионернинг моддий аҳволи яхшиланади. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзида 48 минг пенсионернинг пенсиялари минимал миқдори оширилади.

Пенсиялар қайта ҳисоблаб чиқилиши ва ишлаётган пенсионерларнинг пенсия тўлов қоғози алмаштирилиши муносабати билан социал таъминот органлари корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарларига мурожаат этиб, қарилик учун 50 сўмдан кам пенсия белгиланган ишлаётган пенсионерларнинг пенсия тўлов қоғози коршокларини район социал таъминот бўлимларига тақдим этишларини сўрайди. Инвалидлик пенсияси қуйидагича белгиланган пенсионерлар ҳам шу жумлага киради:

— I группа бўйича —75 сўмдан кам бўлса;

— II группа бўйича —50 сўмдан кам бўлса;

— III группа бўйича меҳнат жароҳати ёки касб касаллиги учун — 30 сўмдан, умумий касалликда — 26 сўмдан кам бўлса.

Ҳамшаҳарларим ва з ўзларини қизиқтирган барча саволлар билан истиқомат қилиб турган районларидаги социал таъминот бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.



Шу кунларда «Ташгипрогор» лойиҳалаш институтида Тошкентнинг 2 минг йиллигига қадар қурииладиган бир қатор муҳташай объектлар лойиҳаси устида ижодий изланишлар давом эттирилмоқда. Айниқса институтнинг 8-устахонаси коллективи Тошкентнинг эски уй-жой маҳаллалари ўрнида янги, ҳар томонлама обод кварталлар қурилиши бўйича лойиҳа ишларини жадаллаштирмоқда.

СУРАТДА: устахона меъморларидан (чапдан-ўнгга) инженер В. Рижов, архитектор О. Рибакова, инженер Л. Салюкова ва архитектор Н. Пушкаревалар шаҳримизнинг Саперная кўчаси атрофида қурииладиган янги микрорайон лойиҳасини муҳокама қилишмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

КАМЧИЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Биз Юнусобод массивидаги Аҳмад Дониш микрорайонида жойлашган 164-уйда истиқомат қиламиз. Истиқоматчиларнинг бу ерга кўчиб келганига оз муддат ўтган бўлса-да, уйнинг атрофтеварагини кўкаламзорлаштирилиб, қатор ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Турли хил гуллар, манзарали дарахтлар ўтқазилиб, улар мутасил парвариш қилиб турилди.

Лекин бизни кўпдан бери бир нарса ажаблантириб келади. Қурувчилар баъзи ишларни сифатсиз бажариб кетганликлари ҳақида биз ломлим демадик. Бироқ ажойиб ҳамгомалар кейин бошланди. Истиқоматчилар кўчиб келгандан сўнг секин-аста уй «сеҳр»ларини кўрсата бошлади. Водопровод трубалари сифатсиз ўрнатилганлиги учун деворлардан мунтазам сув оқиб, шувоқларни кўчириб ташлади. Сув 9-қаватдан тортиб 1-қаватгача ана шундай «бузғунчилик» ишларининг иситиш системаси, иссиқ сув масаласида эса истиқоматчилар ташвишга тушмасалар ҳам бўлади. Бу ҳақда биз ҳануз давом эттиралпти. Биз бу ҳақда бир неча марта тегишли ташкилотларга хабар қилдик. Бироқ улар юборган вакиллар ишни чалакамчатти қилишиб, жуфтакни ростлаб қолишди.

Яна бир нарса — деразалари синиб ётганлиги туфайли подъездларнинг ичи совуқ. Уйлардаги иситиш системаларига ҳам иссиқ сув кам миқдорда келади. Бундан ташқари, уйнинг чиқинди-хонасидаги ахлат-чиқиндилар ҳам бир ойдан бери олиб кетилмаганлиги туфайли, улардан қўланса ҳид анқийди. Бу томони қиш ҳам бошланиб қолди, Бироқ биз яшаётган уйдаги камчиликлар қачон бартараф этилади?

У. Азимов, Х. Каримов, К. Юсупов, А. Суюнов, У. Утаев ва бошқалар.

Юнусобод массиви А. Дониш микрорайонидаги 164-уй истиқоматчилари.

Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Киров район уй-жой бошқармаси бошлиғи.

— А. Дониш микрорайонидаги 164-уйнинг баъзи етишмовчиликларидан бизнинг хабаримиз бор. Истиқоматчиларнинг бу ҳақда бизга хабар берганликларини ҳам унутганимиз йўқ. Тилга олинган камчиликлар мазкур уйда ҳақиқатан ҳам бор бўлиб, истиқоматчилар бу тўғрида шикоят қилишга ҳақлидирлар.

Уйдаги водопровод, канализация трубаларининг сифатсиз ўрнатилганлигини билган заҳоти, бунинг олдини олиш учун махсус мутахассислар бир неча марта борганларида, авария ҳолати вужудга келган квартираннинг эгалари ишда бўлган ёки уйда бўлмаган. Кейинчалик бу авария ҳолати бартараф этилишига қарамай, бошқа квартирада шундай ҳолат вужудга келди. Иккинчи аварияннинг ҳам тезда олдини олиш чоралари кўрилди, аммо ҳали бироз камчиликлар борки, бу бизнинг диққат марказимизда турибди.

Подъездлардаги синган деразалар, уйларнинг иситиш системаси, иссиқ сув масаласида эса истиқоматчилар ташвишга тушмасалар ҳам бўлади. Бу ҳақда тегишли ЖЭКка аллақачон кўрсатма берганмиз. Эрта-индин бу кўрсатма шубҳасиз бажарилади.

В. Г. ТУХТИН,
Киров район «Автодормехбаза»си директори.

— 164-уй чиқиндихонасида ахлат, чиқиндиларнинг уюлиб қолганлиги ва бу чиқиндилар анчадан буён олиб кетилмаётганлиги истиқоматчиларни ташвишлантириб қўйгани тўғри. Биз ана шу микрорайон учун иккита ахлат ташийдиган машина ажратганмиз. Бу машиналарнинг бири эрталаб, иккинчиси эса кечқурун чиқиндиларни олиб кетишга хизмат қилади. Бироқ шу ўртада ана шу машиналардан бирининг техник камчилиги туфайли ишга чиқмай қолганлиги сабабли баъзи уйлардаги чиқиндилар бироз муддатга олиб кетилмасдан қолди.

Айни пайтда иккала машина ҳам ўз сменалари бўйича мунтазам қатнаб турибди.

КЎЧА ҲУСНИДАГИ ДОҒ

Чилонзор районидаги Чилонзор кўчасидан ўтиб қолгудек бўлсангиз. йўлакларда ахлат уюмларини учратасиз. Уйлардан оқиб чиққан магзавалар, ариқларда тўпланиб ётган ҳар хил чиқиндилар таъбингизни хира қилади. Бу ҳақда район ободонлаштириш бошқармасига бир неча бор мурожаат қилдик, лекин ҳеч қандай натижа бўлмаётир.

А.АЗИМОВ, пенсионер.

А. МИРКОМИЛОВ,
Чилонзор район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

— Ҳақиқатдан ҳам олдинлари ана шу кўчада кўплаб чиқиндилар уюлиб ётарди. Газетхон 5—19 ва 29-уйларгача бўлган мосфадаги йўлкаларнинг ҳамиша ифлос бўлиб ётиши ҳақида бизга ҳам мурожаат қилган. Биз ана шундан сўнг бу кўчага эътиборни янада кучайтириб, махсус сув сепиш машиналари ёрдамида йўлкаларни ҳар куни эрталаб ювишни ташкил этдик. Кўчадаги чиқиндилар чиқариб ташланди.

2 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
27 НОЯБРЬ, 1981 й.

УЙ-ЖОЙ ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАНАДИ?

Ташкилотларда уй-жойларни тақсимлаш тартиби ва янги квартира олиш ҳамда бор уй-жойини кенгайтиришга эҳтиёжи бўлганлар қандай ҳисобга олиб борилиши ҳақида маълумот берсангиз.

С. ДАДАБОЕВА.

В. СМОТРОВ,
Тошкент шаҳар Совети уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бошқармаси бошлиғи.

— Ушбу масалада республика ҳукумати ва Узсовпроф томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон ССРда давлат уй-жойларини тақсимлаш тартиби ҳақидаги» Низом қўллама ҳужжат ҳисобланади. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда уй-жой учун ҳисобга олиш, уй-жойни тақсимлаш ва бериш масалалари уй-жой маиший комиссиялари томонидан тайёрланади ва маъмурият ҳамда касаба союзлари фабрика, завод, маҳаллий комитети қарорини чиқариш учун тақдим этилади.

Низом биринчи марта квартира олиш ёки уй-жойни кенгайтириш бўйича алоҳида рўйхат тузилишини кўзда тутмайди. Уй-жойга гражданларни ҳисобга олишнинг ягона тартиби жорий этилган бўлиб, бундан мақсад уй-жойни тақсимлаш тартибига жиддий риоя этилишини таъминлашдир. Ҳар қандай ҳолда ҳам Низомда кўрсатилган шартларга риоя этилиши керак.

Тошкентда камида уч йилдан бери мунтазам истиқомат қилаётган, ҳар бир киши ҳисобига уй-жойи 6 квадрат метрдан кам бўлган гражданлар ҳисобга олинишлари мумкин ва бошқа қатор талаблар қўйилади.

Ишлаб чиқаришда, ташкилотларда уй-жойни тақсимлаш тартиби ҳақида гапирганда, уй-жой олишда навбатда турган ишлаб чиқариш илғорларига, ана шу корхона, ташкилот, муассасала узоқ меҳнат стажига эга бўлган ишчи ва хизматчиларга имтиёзли ҳуқуқ берилиши керак. Шунингдек ҳисобга туриш вақти, уй-жойга муҳтожлик даражаси, ижтимоий фойдали фаолияти ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг тегишли Қарорлари бўйича уй-жойларни бериш муддатлари эътиборга олинади.

САЙЁҲ САРГУЗАШТЛАРИ

Чаманзор шаҳар жамоли



Янги Деҳли эски Деҳлидан кескин фарқ қилади. Кўчалари кенг, дарахтзор, гулзор, хиёбонлар кўп. Янги Деҳлининг асосий кўчаси—Ражпатҳ («Давлат йўли»)нинг бир чеккаси Жамна дарёси соҳилигача боради.

Ражпатҳ кўчасида одам аримайдиган бир зиёратгоҳ бор. Одамлар оёқ кийимларини ечиб, бу зиёратгоҳ ичида таъзим билан юзини билдириб қайтадилар. Барча ҳиндистониклар учун муқаддас бўлган бу хотира — Махатма Ганди Жавоҳарлал Неру, Лаъл Баҳодир Шастрилар— Ҳиндистоннинг буюк арбоблари кремация қилинган жойдир. Кремация қилинган жойда қора гранит тошга икки оғиз сўз: «Ҳақиқат бор» деб ёзилган.

Ражпатҳ кўчасининг иккинчи томонида республика парламенти, президент саройи ва бошқа ҳукумат бинолари жойлашган.

Деҳлининг янги шаҳар қисмидаги замонавий, чиройли, кўп қаватли бинолар, ажойиб хиёбон, ранг-баранг фавворалар киши кўзини қувонтиради. Янги Деҳлидаги ҳашаматли бинолар барча қулайликларга эга. Одамлар фаровонда яшайдилар.

Янги Деҳли бозори ҳам ўзгача. Коннаут-Плейс хиёбонли савдо марказидир. Доира шаклидаги катта майдон атрофи магазинлар, савдо фирмалари, қаҳвахона, ресторан ва кинотеатрлардан иборат. Магазинлар кўкин, харидорлар жуда кам. Магазин хоналари кенг, музейга ўхшатиб дид билан безатилган. Харидорлар асосан четдан келган сайёҳ-туристлар д а н иборат. Сотувчилар очиқ чеҳрали, хушмуомалада бўладилар. Харидорларни магазин эшиги олдида эҳтиром билан кутиб оладилар, унга кока-кола ичишни таклиф қиладилар. Бироз нафас ростлагандан кейингина савдо бошланади. Молларнинг баҳоси қатъий ва қиммат, одатда савдолашилмайди.

Магазинларда хоҳлаган буюртмани жуда зудлик билан бажариб берадилар.

Деҳли айни вақтда сокин майдонлар, дарахт ва гулларга бурканган хиёбонлар, парклар шаҳридир. Шаҳарда гуллар жуда кўп. Қирмизи, олов ранг, тўқ қизил, сариқ, гунафшаранг гуллар, дарахт ва буталарда чаман бўлиб очилиб ётади. Атиргуллар йил давомида очилишдан тўхтамайди. Хризантема, гладиолус, картошка гул ва итогизлар айниқса, барқ уриб очилади.

Деҳли йил давомида чаманзор.

Биз Деҳлидан Аграга йўл олдик. Пўл чеккасида деҳқонларнинг кулбалари жойлашган. Пальма барглари ва шоҳлардан ишланган уйларнинг деворлари мол гўнги аралаш лой билан суваланган. Уйларнинг томи похол, шакарқамиш пояси ёки пальмаларнинг барглари билан ёпилган, айрим уйларнинг томлари лой билан сувалган. Уйларнинг ёнида молхона жойлашган.

Деҳқонлар ёмғирли ёзга ёқилғи тайёрлаш тараддудида. Ўтмишда бизнинг қишлоқларда ёмғир ва қорли қишга ёқилғи (ғўзапоя ёки таппи) ёзда тайёрланар эди. Мўътадил минтақа ўрмонлари атрофида истиқомат қилувчилар ҳам қишки ёқилғини (тўпини) ёзда тайёрлайдилар. Ҳиндистонда эса «қиш» иссиқ ва қуруқ бўлиб, ёзда жуда кўп шаррос ёмғир ёғади.

Аёллар, болалар кўчалардаги дайди сигирларнинг тезагини йиғадилар. Тезакни сув билан қориб, думалоқ таппилар ясаб, уларни деворга ёпадилар. Таппилар «қиш» мавсумидаги қўёшли кунларда қуригач, улар ёзги нам мавсумга гамланади. Қуритган таппилар кулбалар ёнига минора ёки уй шаклида одам бўйи баравар, баъзан ундан ҳам баланд қилиб тахланади. Сўнг унинг атрофи ва тепаси сигир тезаги билан шувоқ қўйилади. Езги муссон ёмғирлари вақтида таппилар эҳтиёжига қараб ишлатилаверади.

Машинамиз шитоб билан жанубга томон елиб бормоқда. Атрофдаги ўтлар қуриган, кеч «куз»ги буғдойлар бош тортган, айримлари эса сарғая бошлаган, дарахтлар баргини тўккан. Суғориладиган жойлардаги ўсимликлар кўм-кўк. Хурмо ва норжил пальмалар кўкка интилиб, таналарини вақор билан ростлаб турибди.

Икки соат чамаси йўл юргач Ҳўдал бекатига келиб тўхтадик. Ҳўдал —сайёҳлар, йўловчилар тўхтаб, нафасини ростлаб ўтадиган мўъжазгина жой. Кичик қаҳвахонаси, озиқ-овқат ва эсдаликлар сотадиган дўконлари бор. Майсалар дид билан текис қирқилган. Йўловчилар майсалар устида ястаниб ётиб ҳордиқ чиқармоқдалар.

Ҳўдалда узунлиги уч метр келадиган бўғма илонга ўралиб расмга тушишингиз мумкин. Илон ўйнатувчи афсунгар бир неча саватдаги капча илонлари (кобра), бўғма илон ва мангустаси билан «харидор»га мунтазир. Агар мўмайроқ ҳақ (тахминан 20—25 рупия) тўласа, мангуста билан илон жангини томоша қилишингиз мумкин. «Афсунгар»нинг тирикчилиги шу.

Асфальтланган майдонда филбон билан туякаш ҳам харидорга мунтазир. Машинадан тушган ҳар бир сайёҳга филга миниб Ҳўдал атрофини сайр этишни таклиф қиладилар. Бунинг эвазига чой-чақа ишлашади, албатта.

Фил одамларни сайр эттиришга мослаб жиҳозланган. Устидаги эгар-кажавада 6 киши ўтириши мумкин. Фил устидаги кажавага ғаровдан ишланган нарвон билан чиқилади. Сайёҳларнинг фил устига чиқиш жараёнини расмга туширишга улгурдик.

Ниҳоят Агра шаҳрига етиб келиб, «Ҳўладаий Инн» мусофирхонасига жойлашдик. Мусофирхона мутасаддиларидан бири, қорачадан келган дилдор аёл бизни очиқ чеҳра ва меҳрибонлик билан кутиб олди. Ҳар биримизга сариқ гулчамбар тақдим этар экан, ҳузуридан узоқлашгунча таъзим қилиб турарди.

Вақтимиз ҳисоб-китобли бўлганлиги учун тушлик овқатдан сўнг Фотиҳпур Секрига йўл олдик.

Фотиҳпур Секри шаҳари Аградан тахминан 35 километр нарида жойлашган. Фотиҳпур Секри, яъни «Ғалаба шаҳри» ўз замонасидаги Етти иқлимга машҳур шаҳар —1569— 1585 йилларда Бобирийлар сулоласидаги одил подшоҳлардан бири Акбаршоҳнинг пойтахти бўлган.

Акбаршоҳ Ҳиндистонни сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан эътиборли давлатга айлантиришга, Ҳинд мамлакатини ягона давлатга бирлаштиришга ҳаракат қилган. Акбаршоҳ давлат ва халқ бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида турли динларни бир-бирига яқинлаштириш ғоясини илгари сурган.

Фотиҳпур Секридаги саройлар ҳамон жозибадор. Қабул мароссимлари ўтказиладиган улкан зални нилуфар қиёфасидаги устунлар безаб турибди. Сарой ҳовлисида дунёдаги энг катта шахмат тахтаси — мармар майдон жойлашган. Мармар тахталари устида дилрабо қизлар товус каби хиром билан юриб, шахмат донаси вазифасини ўтаганлар.

Фотиҳпур Секридаги эътиборга сазовор обидалар— улкан дарвоза билан Дарвиш Салим шайхнинг мақбарасидир.

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг металлург олимлари ўз кўч-гайратларини юқори сифатли ва махсус пўлатларнинг янги маркаларини ишлаб чиқаришга қаратмоқдалар.

Шаҳар дарвозаси дунё бўйича энг баланд, энг кўркам дарвоза ҳисобланади.

Салим Шайх мақбараси ҳамон зиёратгоҳ. Бино ичидаги каравотни эслатувчи сағана устига 1980 йилда Ҳиндистон парламенти аъзолари комидан ёрқал бахмал ёпилган. Унинг гуллари олтин иплардан тикилган. Сағана атрофида оқ кийим кийган мулозимлар бедор бўлиб турадилар. (Ҳиндулар эътиқодига кўра таъзияда оқ кийим кийилади).

Бугунги Фотиҳпур Секри сайёҳлар учун улкан музей вазифасини ўтамоқда.

О. МУМИНОВ,
география фанлари кандидати.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ОЛИМЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

СОФИЯ. Бу ердаги қора металлургия институтининг мутахассислари мамлакатдаги энг йирик Кремиков металлургия комбинатида темир концентрати аралашмаларини ажратиб олиш ва фойдаланишнинг янги методини ишлаб чиқдилар. Бу метод қайта ишланган хом ашё таркибида темирни 20 процент ошириш имконини беради. Ана шу метод ёрдамида рудадаги темирни йўқотмаган ҳолда маргинец, қўрғошин ва мис ажратиб олинади.

Болгарияда ҳар йили металлургия соҳасида ўндан кўпроқ ихтиро рўйхатга олинади. Металлни босим остида қуюш, электр ёй печларидаги электродларнинг . ҳимоя қоплами ток юксак даражада зичлиги ҳолда миси электролит усулида тозалаш борасида БХР мутахассислари ишлаб чиққан методлар бир қанча чет мамлакатларда фойдаланилмоқда.

«Дачия» автомобили

БУХАРЕСТ. Руминиядаги энг катта Питешти автомобиль заводининг конвейеридан 650 мингинчи енгил «Дачия» автомобили тайёр бўлиб тушди. Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида барпо этилган корхонанинг маҳсулоти 25 мамлакатда маълум. Ҳозирги вақтда Питешти автомобилсозлари «Дачия—1310» маркали янги моделни ишлаб чиқаришга киришдилар. Бу ерда метанол ёки унинг бензин билан аралашмасида ишлайдиган автомобиль двигатели ҳам яратилди ва синовлардан муваффақиятли ўтди.

Ўрим-йиғим мавсуми

ХАНОЙ. Социалистик Вьетнамнинг шимолий вилоятлари далаларидаги кузги ўрим-йиғим мавсуми якунловчи босқичга қадам қўйди.

ВСР Марказий Статистика Бошқармасининг хабар қилишича, 838 минг гектар майдондаги шоли ўриб олинган, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 280 минг гектар кўпдир. ВКПнинг бўлажак V съезди шарафига социалистик мусобақа кенг авж олиб кетганлиги, ҳамма жойда замонавий техника ва меҳнатни ташкил этишнинг янги илғор методлари жорий этилганлиги натижасида шунга эришилди.

БЎЛҒУСИ ҲОСИЛ УЧУН

УЛАН-БАТОР. Мамлакатнинг асосий галла кони —Селенга аймоғининг галлакорлари бугунги кунда экинтекинга пухта тайёргарлик — бўлғуси мўл ҳосил гаровидир шунри остида меҳнат қилмоқдалар. Барча хўжаликларда уруғликлар тозаланиб, навларга ажратилмоқда. Маҳаллий шароитга яхши мослаштирилган селекция буғдойининг энг яхши сара навлари уруғлик фондини ташкил этади. Булар бошқа навларга қараганда бир ҳафта барвақт етилади ва гектар бошига беш центнерга қадар қўшимча дон беради.

Бу йилги куз фасли аймоқ деҳқонларига катта муваффақият келтирди. Улар Ватан омборларига 110 минг тонна, яъни ўтган йилгидан қарийб уч баравар кўп дон тўкдилар. Экин-тикинга ва ўрим-йиғим кампаниясига яхши ҳозирлик кўрилгани туфайли шунга муваффақ бўлинди. Қишлоқ меҳнаткашлари келгуси йил эришилган муваффақиятларни кўпайтиришга азму қарор бергандирлар.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида

КОБУЛ. Афғонистоннинг шарқидаги Нангарҳар ва Кунар вилоятларида Афғонистоннинг шу районларида истиқомат қилувчи Пуштун қабилалари оқсоқоллари ва бошлиқларининг жирғалари бўлиб ўтди. Жирғалар иштирокчилари чет эллардан яширинча юборилаётган аксилинқилобчи тўдаларнинг жиноий ҳаракатларини кескин қораладилар ва Апрель революциясини душманларига қарши АДР ҳукумати билан биргалашиб қатъий кураш олиб боришга, ўз районларида осойишталик ва хавфсизликни таъминлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Афғонистоннинг жанубий-шарқий Нангарҳар вилоятида цитрус экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бошланди. Ўтмишда кимсасиз тақир ерларда қишлоқларнинг меҳнати туфайли мандарин, лимон, апельсин боғлари қад кўтарди. Афғон деҳқонларининг фидокорона меҳнати туфайли бу ўлка цитрус ва зайтун мевалари етиштириш марказига айланди, уларнинг ҳосили Афғонистон экспортининг муҳим қисмидан бири ҳисобланади.

* * *

ТРИПОЛИ. Мамлакатнинг шимол-ғарбида жойлашган Ғарьян шаҳрини Жабал Алғарб райони билан боғлаган янги юқори вольтли электр линия қуриб битказилди. Бу линия райондаги бир қанча электр линияларини ва электро станцияларни ягона энергетика ҳалқасига бирлаштиради.

Ливия даштининг шимолий қисмидаги Қуфра воҳаси районида 75 мегаватт қувватга эга бўлган яна бир энергетика комплекси қуриб битказилди.

Шу энергетика қувватларининг ишга туширилиши Ливиянинг мазкур районларини энергия билан доимий таъминлаб туради, механизациялаш г а н қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун зарур база бўлиб хизмат қилади.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг тобора кенгайиб бораётган ташқи савдо алоқаларида денгизда юк ташиш борган сари катта аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан мамлакат ҳукумати давлат кемасозлик корхоналарини кенгайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Висахапатнамдаги «Ҳиндустан шипярд» давлат компаниясини янгилаш учун 550 миллион рупия ажратилди.

Кочинда ҳам давлат кемасозлик корхоналарининг ишлаб чиқариш суръатлари тобора кучаймоқда. «Рани падмини» номли биринчи кема куни кеча сувга туширилди. «Рани дип» номли иккинчи кемани қуришга киришилди.

* * *

САНО. Шимолий Яманда Ал-жавф, Дамар ва Ҳудайдо вилоятларида янги соғлиқни сақлаш марказлари қурила бошланди. Улар юзлаб қишлоқ ва шаҳарларнинг аҳолисига медицина хизматини яхшилашга ёрдам беради, деб ҳабар қилади «Ас-саврa» газетаси.

Соғлиқни сақлаш замонавий системасини барпо этиш республика ҳукуматининг энг муҳим вазифаларидан бири деб эълон қилинди. Кейинги уч йил мобайнида мамлакатнинг турли районларида 33 та янги поликлиника, 25 та соғлиқни сақлаш марказлари, 9 та касалхона қурилди.

Совет Иттифоқи соғлиқни сақлаш соҳасида Яман Араб республикасига катта ёрдам бериб турибди. Санода Яман Революцияси номли мамлакатда энг яхши касалхона Шимолий Яман халқига СССР номидан туҳфа қилиб берилди.

* * *

АНҚАРА. Туркия бошидан кечираётган жиддий иқтисодий танглик учун «умумий бозор» жавобгардир. Туркиядаги энг катта компаниялардан бири «Яшар холдинг» раҳбари А. Ноил Кубали шундай деб айтди.

Унинг сўзига қараганда Туркия кейинги ўн йил мобайнида Европа иқтисодий ҳамжамиятидаги мамлакатларидан 13 миллиард долларлик товар сотиб олган. Шу мамлакатларга Туркиянинг экспорти фақат 5 миллиард долларлик қимматга эга бўлган. «Умумий бозор» Туркия билан савдо оборотини мутаносиб тақсимлаштирганда бизнинг мамлакатимиз шундай қийин аҳволга тушиб қолмаган бўлур эди, деб таъкидлади А. Ноил Кубали.

Кўмир қазиб чиқариш саноати юксалмоқда

ДЕҲЛИ. Ҳиндистонни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг 1980-1985 йилларга мўлжалланган олтинчи беш йиллик планини амалга ошириш йилларида мамлакатда кўмир қазиб чиқариш 58 процент кўпаяди ва бир йилда 165 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилади. Ҳиндистон энергетика ва ирригация министри Атовул Ғанихон Чаутхури парламент маслаҳат комитетида нутқ сўзлаб шуни маълум қилди.

Мамлакатда ана шу қимматли энергетика хом ашёсини қазиб чиқариш йил сайин кўпаймоқда. 1979-80 молия йилда 104 миллион тонна кўмир қазиб чиқариш ўтган 1980-81 йилда 114 миллион тоннага етди. Бу соҳадаги муваффақиятлар шу молия йилида Ҳиндистон ҳукуматининг кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш юзасидан планни қайта кўриб чиқиш имконини берди.

Кўмир саноатини ривожлантириш — энергетика соҳасида Ҳиндистон ҳукумати олдида турган энг муҳим вазифадир. Бунинг учун 10 миллиард рупия ажратилмоқда. Яқин йиллар ичида Бихар, Мадхя-Прадеш, Орисса, Тамилнаду, Маҳараштра штатларида қарийб 40 та кўмир қазиб олиш объектларини ишга тушириш режалаштирилган.

Ҳиндистон ҳукумати белгиланган вазифаларни амалга оширишда бу соҳада узоқ йиллардан буён мустаҳкам анъана бўлиб қолган Совет Иттифоқи билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Ҳиндистонда СССРнинг кўмири билан бир қанча кўмир қазиб чиқариш объектлари барпо этилди. Катхарда кон саралаш фабрикаси ва Дурагпурда кон-шахта ускуналари заводи қурилди.

Ҳозирги вақтда совет мутахассисларининг ёрдами билан Синграули кўмир ҳавзасида қудратли ёқилғи энергетика комплекси қурилмоқда. СССР яна бир қанча кўмир қазиб чиқариш объектларини қуриш ва янгилашда кўмаклашиши ҳам кўзда тутилган.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. МАҲКАМОВ: Мен мактаб-интернатда ишлайман. Айтингчи, бизнинг соҳамизда бир корхонанинг ўзида иккита вазифада ишлаш мумкинми?

Жавоб: Уз асосий вазифангиз билан бирга мунтазам ҳақ тўланадиган бошқа вазифада ишлашингиз мумкин. Аммо бундан ҳамма корхоналарда ҳам ўриндошлик йўли билан икита вазифада ишлаш мумкин деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Шунисн ҳам борки, бир мактаб-интернатнинг ўзида ўриндошлик йўли билан ишлаган иш ҳақингиз пенсия пайтида ҳисобга олинмайди.

* * *

Т. ЖЎРАБОЕВ: Айтингчи, вақтинча ишга кирган пайтда тўланган иш ҳақи пенсия пайтида ҳисобга олинадими ёки йўқми?

Жавоб: Агар сиз бир йилда икки ой вақтинчалик ишда ишлаган бўлсангиз (пенсионер бу икки ой ичида муттасил ишлаганми ёки танаффуслар билганми, бундан қатъий назар) пенсия ҳисоблаш чоғида мутлақо ҳисобга олинмайди.

* * *

С. МАҲМУДОВ: Менга бир масала қизиқтиради. Касб касаллигига чалинганман. Айтингчи, бемор тўрт ойдан знёд даволанса, уни ишдан бўшатишадими?

Жавоб: Ҳақиқатан беморлиги туфайли тўрт ой муттасил ишга чиқмаса уни меҳнат ҳақидаги қонунга мувофиқ ишдан бўшатиш мумкин. Аммо шу тўрт ой ичида бир кун ишга чиққан бўлса ҳам маъмуриятнинг бўшатишга ҳаққи йўқ.

Медицина гувоҳлигига кўра, ходим касб касаллигига учраб тўрт ойдан зиёдроқ ишга чиқмаса ҳам унинг иш жойи сақланади. Ходим яна ўз соғлигини тиклангунча ёки унга меҳнатга яроқсизлик группаси аниқлаб берилмагунча унинг иш жойини сақлаб туриш меҳнат қонунида кўзда тутилган.

* * *

К. ТЎХТАМИШЕВ: Мен автохўжаликда шофёр бўлиб ишлайман. Яқинда қоракўл терияларни ташишни таклиф этишди. Мен рад қилдим. Чунки, устя очиқ автомобилни бошқараман. Автохўжалик маъмурияти мени топширикни бажармаганликда айблади. Шу тўғримн?

Жавоб: Агар шофёрга махсус юк ташиш вазифаси топширилса, у махсус автомобиль ёки экспедитор беришларини сўрашга ҳақлидир. Сиз очиқ машина ҳайдаганингиз учун қоракўл терияларни ташишга рози бўлмай тўғри қилгансиз. Негаки, бу қимматбаҳо юк йўлда йўқолиши ёки ўғирланиши мумкин эди.

Сақланиши учун жавоб бермайдиган юклар рўйхати борлигини айтиб ўтмоқчимиз. Бу рўйхатда қимматбаҳо металлар ва тошлар, заргарлик буюмлари, бадиий буюмлар, санъат асарлари ва бошқалар бор.

* * *

С. АЛИМОВ, Қ. БАҲОДИРОВ: Биз, бир группа бухоролик студентлар Тошкентнинг Вокзал майдонига ўрнатилган ўн тўрт Туркистон комиссари ёдгорлигининг лойиҳасини кимлар чизгани билан жуда қизиқиб қолдик. Шунга жавоб беришингизни илтимос қиламиз.

Жавоб: Ўн тўрт Туркистон комиссари хотирасига бағишлаб ўрнатилган бу ажойиб ёдгорлик муаллифлари ҳайкалтарош Д. Б. Рябичев, архитектор Н. Н. Миловидов ва архитектура фанлари кандидати С. С. Ожеговлардир.

● *Ҳайкалтарошлик устахонасида*

БАХТ КУЙЧИСИ ТИМСОЛИ

БУГУН

шаҳримиздаги ҳайкалтарошлик тажриба комбинатида ўзбек совет адабиётининг таниқли намояндаларидан бири, бахт ва шодлик куйчиси, отамшин шоир Ҳамид Олимжон ёдгорлигини қуйиш ишлари бошлаб юборилди.

— Коллективимиз, — дейди инженер Ю. Иванов, — Ҳамид Олимжоннинг ёдгорлигини яратишни кўпдан буён ўйлаб, келарди. Бу ёдгорлик шоирнинг ҳақиқий тимсоли бўлади.

— Ёдгорлик устида комбинат ҳайкалтарошлари Ш. Аҳматов ва архитектор Н. Абдураҳимовлар иш олиб боришмоқда.

Бахт куйчисининг порлоқ тимсоли Фарғона областининг Кидров районн марказида ўрнатилади.



БУЮК ЗАФАР ДЕБОЧАСИ

Москва мудофааси Улуғ Ватан уруши йилномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган. Совет жангчиларининг Москва остоналаридаги ғалабаси буюк зафар дебочаси бўлган эди. Пойтахтимизни манфур ёвдан ҳимоя қилган кишилар орасида бу икки киши — истеъфодаги капитан Василий Степанович Мишин ва истеъфодаги майор Михаил Фёдорович Николаев ҳам бор эди.

В. С. Мишин хизмат қилган гвардиячи кавалерия корпуси Варшава шоссеси районида душман мудофаасини ёриб ўтди ва ёвга катта талофот етказди. Ветеранниг кўксини безаб турган икки жанговар медаль — «Жасурлик учун», Москва мудофааси учун медаллари ана шу қаҳрамонлик гувоҳидир. Автомобиль батальонида хизмат қилган М. Ф. Николаев ҳам Москва остоналаридаги жанг учун худди ана шундай мукофотларга сазовор бўлди.

Бугунги кунда ветеранлар Тошкент заргарлик заводида меҳнат қилишяпти. Улар тез-тез пионерлар, Совет Армияси жангчилари, ёш ишчилар билан учрашиб, ўша жанговар йиллар ҳақида ҳикоя қилиб берадилар.

СУРАТДА: В. С. Мишин ва М. Ф. Николаев Тошкент заргарлик заводи комсомоллари билан суҳбатда.

В. Белов фотоси.
(ЎзТАГ).

МАДАНИЯТ ХАБАРИ

КЎЧМА ВИСТАВКА

Сурхондарёнинг жанубий зонасидаги Термиз, Ангор, Гагарин ва бошқа районлардаги қишлоқларнинг салкам 20 минг меҳнаткаши область ўлкашунослик музейи ташкил этган кўчма виставка билан таништидилар. Стендлардаги экспонатлар республикада ва областда ўтган беш йилликда рўй берган ўзгаришлар ҳақида, Сурхондарё меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди топшириқларини муваффақиятли ado этишдаги қаҳрамонона кураши тўғрисида ҳикоя қилади. Виставкалардан бири Улуғ Ватан уруши жангларида жасурлик кўрсатган сурхондарёлик жангчиларга бағишланган.

Экспонатлар ташкил этилган колхоз ва совхозларнинг клубларида музей ходимлари жонажон ўлканинг тарихи ҳақида лекциялар ўқидилар.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ

МИНСК. Компьютерлар — тезкамкор ҳўжалик юритиш асбоби бўлиб, уларнинг ўзлари ҳам анча тезкамли бўлиши керак. Учинчи хил янги ҳисоблаш машинасини ишлаб чиққан Белоруссия олимлари шундай деб ҳисоблайдилар. Бу ЭҲМ юксак техника ва эксплуатация хусусиятларига эга. ЕС — 1036 маркали ЭҲМнинг биринчи нусхаси заводда ишлаб чиқаришга юборилди.

Бундан олдинги моделларига нисбатан бу ЭҲМнинг ҳаракат қилиши икки баравар ва хотира ҳажми ҳам тўрт баравар оширилди. Бироқ таннархи ошгани йўқ. Бунга эса фаннинг энг янги ютуқларидан, унификация қилинган узеллардан фойдаланиш эвазига эришилди. Информацияни машинага юбориш қурилмаси, микродиагностика системаси ҳам яхшиланди. Бу система компьютерга ўзидаги носозликларни ўзи топиб, шу ҳақда операторга сигнал қилиш имконини беради.

ТАСС мухбирига электрон-ҳисоблаш машиналари илмий-тадқиқот институтида хабар қилинганидек, янги ЭҲМни яратишда қўлланилган принциплар мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган ҳисоблаш техникасини яратишда кенг фойдаланилади.

(ТАСС).

БИЛИМ ЮРТЛАРИДА

Студентлар изланмоқда

Пойтахтимиз д а г и Ю. А. Гагарин номли авиация техникумида студентларнинг ихтисослар бўйича малакасини ошириш, уларни мустақил фикрлайдиган мутахассислар бўлиб етишишларига катта эътибор берилмоқда. Бу борада айниқса, бу ерда бир неча йилдан бери қизғин иш олиб бораётган «Рационализатор ва ихтирочи студентлар тўгараклари»нинг фаолияти таҳсинга лойиқдир. Ушбу тўгаракларга юздан ортиқ студент жипслашган бўлиб, машғулотлар техникум ўқитувчилари, ҳамда Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажрибали мастерлари, меҳнат ветеранлари бошчилигида олиб борилади.

— Ихтирочи студентларимиз кўтариб чиқаётган рационализаторлик ташаббуслари, — дейди техникум директори Ҳ. Пўлатов,— завод ишчиларини ҳам қувонтирмоқда. Бу ташаббус-лар завод цехларида меҳнат ветеранлари даврасида муҳокама қилиниб, ижобий баҳо олмоқда. Студентларимиз билимларини янги-янги изланишлар билан бойитиб бормоқдалар.

БУГУН

техникумда ана шу рационализаторлик ташаббуслари натижасида яратилган студентларнинг техника ижоди кўргазмасини тушишга киришилди. Мазкур кўргазма 100 га яқин экспонатлардан тузилган бўлиб, у студентлар олиб борган ҳайрли ишларнинг кўзгуси сифатида янги йил байрами арафасида намойиш этилади.



ГДР. Лейпциг округидаги стацномар поликлиникнинада пенсионерлар фақат медицина ёрдами эмас, балки ўзларини қизиқтираётган, соғлиқ учун фойдали бўлган кўпгина маслаҳатлар ҳам оладилар. Ҳар куни автобус бу ерга 25 мижозни олиб келади ва кечкурун уйларига олиб бориб қўяди. Бу поликлиникка коллективи пенсионерларга илиқ муомала қилади, уларнинг кўнглини хушнуд этади.

АДН— ТАСС фотоси.

3 ЮШКЕНТ вечерги ОКШОМИ

27 НОЯБРЬ, 1981 й.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ОДОБ-АХЛОҚ ҲАҚИДАГИ РИСОЛА

Одоб-ахлоқ фани — этика Шарқда ижтимоий фанлар системасида марказий ўринни эгаллаган. Фан ва санъатнинг, давлатнинг энг етук арбоблари ўз фаолиятларида одоб-ахлоқ масалаларига алоҳида ўрин берганлар. Чунки одоб-ахлоқ нормалари инсоният тараққиёти, жамият ҳаётни қонуниятларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган муҳим ҳаётий қоидалар, тавсиялар системасидир. Ахлоқ нормалари инсониятнинг қадимдан буён авайлаб йиғиб келаётган дур-гавҳар тажрибалари, ҳикматларидир. Ўтмишнинг буюк намояндалари қаламига мансуб «Қобуснома», «Қутадғу билик», «Ҳумоюннома» каби асарлар, Бедил, Жомий, Навоий ва бошқа алломалар ижодидаги одоб-ахлоққа доир сатрларнинг халқ мақолларига уйғунлиги ҳам уларнинг ёрқин ахлоқий заминга асосланганлиги билан изоҳланади.

Коммунистик ахлоқ нормалари инсоннят бутун тарихи давомида яратган энг илғор ахлоқий қоидалардан тузилган. Совет педагог олимларининг ахлоқ бобидаги тадқиқотлари ҳам бой меросимизга таянади. Таниқли педагог олим, ТошДУ профессори Раҳимжон Усмоновнинг «Дилнома»си бунга яхши мисолдир. Бу китоб яқинда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди.

«Дилнома» қадимги анъанавий шаклда — устознинг шогирдга насиҳатлари формасида баён этилади. Халқимизга кўп хизмат қилган бу шакл муаллиф билан китобхонлар ўртасида устоз ва шогирдга хос самимий суҳбат қуришга, ҳаётнинг ахлоқ бобидаги хилма-хил эҳтиёжларидан келиб чиқиб, долзарб муаммоларни баён этишга имкон берган. «Дилнома»ни ўқитувчи поэзияси ёки одоб-ахлоқ ҳақидаги поэма дейиш мумкин. Китобни безаган расм унинг поэтик руҳини пайқаб, муқовага камалак йўлида парвоз қилаётган илҳом отипегас расмини чизган. Асар ичида берилган расмларда ҳам инсон руҳияти шоирона кўз билан тасвирланган.

Мана китобдан бир лавҳа: «Севги нима?.. Севги— энг улуғ маънавий бойлик бўлиб, у юрагида ўти, покиза қалби бор инсонга насиб этадиган бебаҳо мўъжизадир... Қўёш ҳарорати табиат ва ҳаётнинг камолоти учун қанчалик зарур бўлса, муҳаббатнинг нури ҳам инсон камолоти учун шунчалик зарурдир. Ҳақиқий севги кишидаги ёмон иллатларни ўз ўти билан куйдириб ташлайди».

Бу сатрларни ахлоқ поэзияси деса хато бўладими? Анча йиллардан бери педагог олимлар бундай теран ва ҳаяжон билан, шоир бўлиб гапирмаган эдилар. Бу сатрлар ўзбек совет педагогикасида янги камолот босқичи, педагогиканинг ҳаётга янада яқинлашиш босқичи бошланганидан дарак беради.

Китоб бир қанча боблардан тузилган. Биринчи боб халқимизнинг муҳим ахлоқий, маънавий бойлиги, мустаҳкам иқтисодий-ижтимоий қудрати омили — меҳнатсеварликка бағишланган. Инсонни меҳнат улуғлайди, деган фикр китобнинг замирини ташкил этади. Ушбу жумлалар ўша бобдан: «...инсонни безовта барча сифатлар ичида меҳнатсеварлик бебаҳо зийнатдир», «...кишининг энг яқин дўсти унинг ҳалол меҳнатидир», «Инсон жамият ҳурматига сазовор бўлишни истар экан, у қуруқ гап билан эмас, амалий иш билан ўзини кўрсатиши керак, чунки одамлар серган, маҳмадона кишиларни эмас, балки ишчан шахсларни ҳурмат қиладилар».

Р. Усмонов баркамол инсон образини гавдалантиришда ёрқин мисол сифатида меҳнаткаш халқ доҳийси В. И. Ленин ҳаёти ва таълимотига мурожаат қилади. Доҳийнинг мукаммал ахлоқий маданиятини очишда сафдоши Бонч-Бруевич хотираларидан фойдаланади.

Рисоладаги энг муҳим масалалардан бири ёш авлодни катта мақсад йўлида матонат билан қураша олишга даъват этишдир. Мақсад— бу умр чироғи. Бу чироққа етиш учун инсон матонат ва маҳорат билан, бутун ақлу иродасини сафарбар этиб ишламоғи лозим. «Сен темир ирода билан меҳнатни ўз ихтиёрингга бўйсундиришинг керак», — деб буюради устоз шогирдига.

Социалистик Ватанга, она элга муҳаббат инсон тафаккурининг улкан хулосаси, катта туйғу деб баҳоланади. Она-Ватаннинг бир сиқим тупроғи ўзга элнинг бир ҳовуч олтинидан афзал. Муаллиф ўзининг Ватанга бепоён муҳаббати, меҳнаткаш халққа чексиз ҳурмати билан фахрланади ва ана шу бебаҳо хазинани кўз қорачиғидек асраш учун шогирдига тақдим этади.

Муаллиф талқинида Ватанга, элга ва ота-онага муҳаббат, иззат-ҳурмат юксак инсонийликнинг ажралмас қисмлари сифатида чамбарчас боғланиб, чатишиб кетади.

Ўзбек халқининг ўзидан каттани ҳурмат қилиш, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик каби муҳим миллий фазилатларидан яна бири камтаринликдир. Камтаринлик инсон характерини безайди, нодўрин даъволардан тозалайди, қаноат ва меҳнатсеварлик билан бирга қўшилиб, бахтли яшашга ёрдам беради. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, камтаринлик совет педагогикасида дадиллик, жасурлик ва курашчанлик билан узвий боғлаб, ўзаро диалектик алоқада ёритилмоғи лозим. Чунки коммунистик ахлоқнинг диний ахлоқдан муҳим фарқларидан бири шуки, диний ахлоқда камтаринлик беҳудуд, мутлақ ва курашчанлик, бунёдкорлик йўқ бўлса, коммунистик ахлоқда камтаринлик ва курашчанлик, активлик— ҳар бири ўз ўрнида муҳим фазилатлардир. «Дилнома»да бу масалага ҳам алоҳида эътибор берилган.

Р. Усмонов кўп йиллик педагогик тажрибасини, заковат ҳосилаларини халқимиз асрлар давомида йиғиб терган ахлоқ-одоб дурдоналари нурида тоблаб яратган «Дилнома»си ёш авлод учун муҳим ахлоқий дастур бўлишига ишонамиз.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати.

Н. ХОЛЛИЕВ,
филология фанлари кандидати.



Кўз лавҳаси.
М. Нуриддинов фотоэтюди.

• *Ҳар тўғрида*

ҒАЛАТИ НИКОҲ

«Ёш америкалик бизнесмен филиппинлик 20—25 ёшли аёлга уйланади. Лекин бу аёл чиройли, келишган, оқ кўнгил, инглиз тилини биладиган, ҳар томонлама қобилиятли, эрига содиқ бўлиши керак»... Бундай эълонлар Филиппин газеталарида тез-тез босилиб туради. Ғарбда бу мамлакат қизлари ўта гўзалликлари билан шуҳрат қозонишган. Улар катта давраларда ўтказилган гўзаллик конкурсларида бир неча бор голиб чиқишган.

Гонконгнинг «Эйшаук» журнали шундай ёзади: «Жуда кўплаб Филиппин аёллари бундай «бир қоп пулли» никоҳга баконидил розилик билдиришади. Чунки улар шу йўл билан ишсизлик ва қашшоқлик балосидан қутулиб қолишади».

Сўнгги йилларда 200 никоҳнинг мана шу усулда ўтганлиги қайд этилди.

ОСМОНЎПАР БИНО

Американинг «Скидмор Оунингз энд Мерил» архитектура фирмаси жаҳондаги энг баланд бино лойиҳасини яратишга киришди. «Чикаго трибюн» газетасининг ёзишича, бу бино Чикагода қурилиши кўзда тутилмоқда. 169-қаватли бу осмонўпар бино жаҳонга машҳур Эмпайр стейт билдингдан анча баланд бўлиб, баландлиги 700 метрни ташкил этади. Бино қурилиши учун 1,25 миллиард доллар сарф этилади. Бироқ бу гигант лойиҳа учун ким пул сарфлаши ҳали ҳал этилгани йўқ.

СУВСИЗЛИККА ЧИДАМЛИ

Туянинг сувсизликка чидамлилиги олимлар диққатини тобора ўзига тортмоқда. Ироқ матбуотининг хабар беришича, яқинда уч олим ўн олти кунлик тажриба ўтказди. Бу кунлар давомида текширувдан ўтказилган туяга мутлақо сув берилмади. Натижада улар «саҳро кема»сининг бунчалик сувсизликка чидамлилиги унинг бурун шиллиқ қопқоғининг ҳаддан ташқари тараққий этганлигида деган хулосага келишди. Инсон бурун шиллиқ қопқоғи 12 сантиметрдангина иборат бўлса, туя организмидаги бу нарса 1000 квадрат метрни ташкил этаркан. Мана шу хусусият бу ҳайвонга теварак-атроф муҳитидаги 70 процент намликни ўзига тортиб олишга нормал шароит яратиб беради. Шунинг учун туялар узоқ вақт сувсизликка бардош берадилар.

ҚИРҒИЗ КИНОСИ ҲАҚИДА

Фрунзе мамлакатда энг ёш қирғиз кино санъати антологияси нашр этилди.

Ҳозирги вақтда тоғли ўлка усталарининг асарлари дунёнинг 60 мамлакатида машҳурдир. Чингиз Айтматов асарларининг экранлаштирилганлиги қирғиз киноси йилномасига ёрқин саҳифа бўлиб ёзилди. Ажойиб ёзувчининг сценарийси асосида яратилган «Қизил олма», «Жамила», «Сарвқомат дилбарим», «Биринчи ўқитувчи», «Оқ кема», «Турналар» фильмлари халқаро фестивалларда ва жаҳондаги энг машҳур кинематографиячилар асарлари билан ўтказилган конкурсларда муносиб баҳоларга сазовор бўлди.

Республикада ҳужжатли кино ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Қирғиз усталарининг чўпонлар, гидро қурувчилар, саноат корхоналари ишчиларининг меҳнати ва турмуши ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлари совет киносининг кўп қиррали ички дунёсини очиб беради. Бу фильмларга юксак бадиий қиммати ва чуқур инсонпарварлиги учун халқаро фестивалларда етмишдан кўп мукофот ва фахрий дипломлар топширилган.

(ТАСС).

Хоккей

КУРАШ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Шайбали хоккей бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида иштирок этаётган командалар ўз олдиларига қўйган вазифаларни бажаришга жиддий киришдилар. Бу нарса муз майдонида бўлган учрашувларда яққол кўзга ташланмоқда. Командалар ўн иккинчи тур учрашувларини ўтказишди. Бу гал «Бинокор» ўз майдонида турнир жадвалининг ўнинчи поғонасидан жой олиб турган Пермь шаҳрининг «Молот» командаси билан беллашди. «Бинокор» эса 31 очко билан бешинчи ўринда бораётган эди. Шунга қарамасдан учрашувлар ниҳоятда кескин вазиятда ўтди.

Шуни ҳам айтиш керакки, тошкентлик ҳоккейчилар бир хил ўйин кўрсатиша олмаяптилар. Бунинг учун аввалги тур учрашувини эслаш кифоя. Якка пешқадам «Сибирь» командасидан икки очко олишга муваффақ бўлган ҳамшаҳарларимиз бу сафар уюшқоқлик кўрсата олишмади. Натижада улар ўз майдонида икки учрашув ўтказиб, активларига фақат бир очко ёзишга муваффақ бўлишди.

Энди бевосита ўйин ҳақида тўхталайлик. Биринчи учрашувда 4:4 ҳисоби қайд қилинди. Майдонда бинокорчиларнинг устунлиги сезилмади. Бунинг устига аввалги турда ниҳоятда юксак маҳорат кўрсатган дарвозабон Эльмир Каримов жуда кўп хатога йўл қўйди. Учинчи бўлимнинг сўнгги минутларида ҳужумга зўр берган бинокорчилар катта қийинчилик эвазига ҳисобни тенглаштиришди.

Такрорий учрашувда ҳам вазият ўзгармади. Меҳмонлар худди ўз майдонларида, мухлисларининг олдида ҳаракат қилаётгандек ҳужумкор ўйин кўрсатишди. Натижада улар биринчи бўлиб ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Учрашувнинг саккизинчи минутида бу вазифани меҳмонларнинг ҳужумчиси Кузнецов бажарди. Иккинчи бўлимда бинокорчилар яна имкониятни бой бериб қўймаслик мақсадида ўз тактикаларини ўзгартиришди. Улар ўйин суръатини оширдилар. Чиройли комбинациялар ишлатиб, рақиб команда ҳимоячиларини тахликага солиб қўйишди. Натижада ҳисоблар ўртасидаги фарқлар ҳам ўзгарди. Дастлаб Усольцев ҳисобни тенглаштирди. Орадан кўп ўтмасдан ҳужумчи Парфенчик дарвозани нишонга олиб, ўз командасини олдинга олиб чиқди — 2:1.

«Молот» аввалги турда ўз майдонида икки очкони бой беришга мажбур бўлган эди. Бу нарса команданинг турнирдаги мавқеига салбий таъсир қилди. Шу боисдан ҳам меҳмонлар яна ҳужумга зўр беришди. Натижада улар кетма-кет уч марта бинокорнинг дарвозасига шайба йўллаб, яна ҳисобда олдинга чиқиб олдилар.

Учинчи даврда мезбонлар мағлубиятдан қутулиш учун жуда кўп ҳаракат қилишди. Лекин, «Химик» командасининг собиқ ҳимоячиси, жаҳон ва Европа биринчиликларининг ғолиби Никитининнинг кўрсатмаларига оғишмай амал қилган меҳмонлар ўз дарвозаларини даҳлсиз сақлаб қолишга муваффақ бўлишди. Никитин ҳозир «Молот» командасига устозлик қилмоқда. Бинокорчиларнинг тренери ҳеч бўлмаганда яна бир очкони сақлаб қолиш ниятида учрашувни сўнгги дақиқаларида дарвозабоннинг ўрнига майдонга олтинчи ўйинчини туширди. Лекин ҳал қилувчи дақиқаларда хоккейчиларимиз ўзига хос чаққонлик ва ирода кўрсата олмадилар. Хуллас учинчи даврда ҳисоб ўзгармади. 3:4 ҳисобида «Бинокор» мағлубиятга учради.

Энди командининг ўйинига ва натижаларига назар ташлайлик. Кейинги тўрт учрашувни ўз майдонида ўтказган бинокорчилар активларига уч очко ёзишди. Беш очко бой берилди. Бунга команда составида ёш ўйинчилар кўплиги, ҳали улар яхши ўйин кўрсатиш тактикасини мукаммал эгаллаб олмаганликларини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Синаш, маҳорат ошириш, тажриба билан ёшларнинг чаққонлик ва эпчилликларини уйғунлаштириш борасида олиб бораётган ишларни ниҳоясига етказиш лозим. Ана шунда команда ўз олдига қўйган вазифани уддалайди. Ҳозир мусобақалар ҳал қилувчи роль ўйнаётган дақиқаларда бой берилаётган имкониятларнинг ўрнини тўлдириш кейинчалик қийин бўлади. Чунки, «Бинокор» навбатдаги учрашувларни ўз майдонида Тюмень шаҳрининг «Рубин» командаси билан ўтказганидан кейин олти учрашувни сафарда ўтказади.

ҚИШКИ КИЙИМ ФОРМАСИГА

Тошкент гарнизони бошлиғининг буйруғига биноан гарнизон қўшинларининг барча шахсий состави 1981 йил 1 декабрдан бошлаб қишки кийим формасини кийишга ўтади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/XI да **Ғариблар**, 28/XI да **Инқилоб тонги** (16.00), 29/XI да **Оқ танлилар** (16.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/XI да **Ёшликда берган кўнгил**, 28/XI да **Хизматингизга тайёрмиз**, 29/XI да **Кулги кечаси**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектакли.

КИНО

27 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИМТИҲОН»— **Қозоғистон.**
«ТУЛА ЖАСОРАТИ» —**Восток.**
«ХАВФЛИ УЙИН»— **Пионер.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЕН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — **Искра** (16, 18, 19.45).
«ТЕҲРОН—43» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.45, 16.15, 19.15; кичик зал, 12, 14.30, 17.15, 19.45).
«УМР ИЎЛДОШИМ БЎЛИНГ» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

28 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИМТИҲОН»— **Қозоғистон.**
«ТУЛА ЖАСОРАТИ» — **Восток.**
«ХАВФЛИ УЙИН»— **Пионер.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЕН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — **Искра** (16, 18, 19.45).
«УМР ИЎЛДОШИМ БЎЛИНГ» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ ЭНЕРГЕТИКА ХИЗМАТИ **контакт тармоқлари электр монтёрлари ва подстанцияларининг навбатчи электр-монтёрлари** КУРСЛАРИГА

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ

Ўқиш муддати —контакт тармоқларининг электр монтёрлари —**3 ой.** Стипендия — **100 сўм;** подстанцияларнинг навбатчи электр монтёрлари— **6 ой.** Стипендия — **60 сўм.**

18 ёшдан кичик бўлмаганлар қабул қилинади.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой бериладн ва Тошкент шаҳрига прописка қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, 29-алоқа бўлими. Ўзбекистон кўчаси, 41«а» уй (1, 5, 7, 8, 11, 13, 22-трамвайлар, 51-автобуснинг «Тошкент» меҳмонхонаси» бекати).

Тошкент Политехника институти томонидан **Мирзаахмедов Худойберди** номига берилган 228554 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд область, Каттақўрғон районидаги 76-ўрта мактаб томонидан **Қўчқоров Султон Даминович** номига берилган 519724 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

МАКУЛАТУРА ТОПШИРИБ КИТОБЛАР СОТИБ ОЛИШ УЧУН БЕРИЛАДИГАН АБОНЕМЕНТЛАР ҚУЙИДАГИ КУНЛАРДА ТАРҚАТИЛАДИ:

28 ноябрда М. ДРЮОНнинг «ЗАҲАР ВА ТОЖ» китобига ҳар бир қабул пунктида 200 тадан абонемент берилади.

29 ноябрда А. ДЮМАнинг «ҚИРҚ БЕШ» китобига ҳар бир қабул пунктида 100 тадан, М. ДРЮОНнинг «ЗАҲАР ВА ТОЖ» китобига 100 тадан абонемент берилади.

Хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида қўшимча қабул пункти магазинлари ташкил этилди.

29 ноябрда А. ДЮМАнинг «ҚИРҚ БЕШ» китобига ва М. ДРЮОНнинг «ЗАҲАР ВА ТОЖ» китобига ҳар бир қабул пунктида 100 тадан абонемент берилади.

22— Циолковский кўчаси (касб касалликлари институти қаршисида).
30 — 2/1-Қорақамиш массиви (колхоз бозори).
35— У. Юсупов кўчаси, (10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).
40— Бирлик массиви (53, 64, 79-автобусларнинг «Бирлик массиви» бекати).

30 ноябрда ҳамма қабул пунктлари-магазинларида С. ЦВЕЙГнинг «САБРСИЗ ҚАЛБ» китобига қўшимча равишда ҳар бир қабул пунктига 200 тадан абонемент берилади.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ-МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

1—Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспект, Марказ — 15;
3— Қўйлиқ бозори (7, 52, 68-автобусларнинг «ҚЎЙЛИҚ бозори» бекати);
4— Ташавтомаш массиви (1, 16-автобусларнинг «Тошкент трактор заводи» бекати);
5— Уйғур кўчаси (Кўкча колхоз бозори);
7— Юнусобод массиви, Б—1 (8, 60, 72-автобуслар; 25, 28, 29-трамвайларнинг «Колхоз бозори» бекати);
9—3. Саид кўчаси (8-трамвай; 34, 64, 83-автобусларнинг «Гулзор» бекати);
10—1/3-Қорақамиш массиви (40, 56, 59-автобуслар; 27-трамвайнинг сўнгги бекати);
11—2/4-Қорақамиш массиви (37, 56, 59, 65-автобусларнинг сўнгги бекати);
12—Физкультурная кўчаси (Тўқимачилик комбинати қаршисида);
13— Чилонзор массиви, 24-квартал, 53-уй, 62-квартира;
14—Чилонзор массиви, 18-квартал. 10«а» уй, 1-квартира;
15—Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй;
16—Чилонзор массиви, 12-квартал, 23-уй, 39-квартира (2, 33, 41, 54, 75, 79-автобуслар; 4, 9, 19-трамвайларнинг «Фарҳод бозори» бекати);
17—Чилонзор массиви, 24-квартал, 15-уй, 24-квартира (4, 9, 19-трамвайларнинг «Москва кафеси» бекати);
18— Спутник массиви, марказ 3, 5-уй;
19— Ж. Обидова кўчаси (19-автобус; 2, 16-трамвайларнинг «Бодомзор» бекати);
20— Олой бозори;
22—Циолковский кўчаси (Касб касалликлари институти қаршисида).
23—ТошМИ массиви (10, 28-автобусларнинг сўнгги бекати);
24—Мирсолиҳов кўчаси, 19-уй;
25—Бирлашган кўчаси, автостанция;
26— М. Горький проспекти (17, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Трамвай-троллейбус депоси» бекати).
27—Юнусобод массиви, А—3,
28 — Первомайск колхоз бозори;
29—Строительная кўчаси, 38-уй;
30 — 2/1-Қорақамиш массиви (Колхоз бозори).
31— 2-Қўйлиқ массиви, Савдо маркази;
32—Луначарское шоссеси, 301-уй;
33—Морозов кўчаси, кабель заводи бозори.
34—Улуғбек поселкаси, ядро физика институти.
35— У. Юсупов кўчаси (10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).
36—Октябрь массиви Ибрат кўчаси (64-автобус, 8-трамвайнинг «Поликлиника» бекати);
37 —2-Қорасув массиви (89, 63-автобусларнинг 2-«Қорасув» бекати).
38—Б. Хмельницкий кўчаси, 67-уй, 8-корпус (3, 45-автобуслар; 14-троллейбуснинг «Госстандартлар магазини» бекати).
39—4-турар жой массиви. Шолохов кўчаси, 1 «а» квартали.
40— Бирлик массиви (53 64, 79-автобусларнинг «Бирлик» массиви бекати).

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Қабул пунктларига абонементлар олиш учун макулатураларни фаол топшириш адабиётларнинг китоб савдо тармоқларига тезроқ келиб етиши имконини беради.

«ВТОРСИРЬЁ» ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

УЙ МУБОРАК!

Янги квартирага кўчиб ўтганингизда фақатгина чиройли мебелларгина эмас, балки тўғри ва дид билан танланган ёритиш асбоблари ҳам хоналарга файз бахш этади.

Уларни танлаётганингизда полга қўйиладиган ёритгичлар жуда ҳам қулайдир: улар дам олиш бурчагини ёритади, телевизион кўрсатувларни томоша қилаётганингизда кўзингизни чарчатмайди.

РАНГИ ВА ШАКЛИ БЎЙИЧА ЎРИНЛИ ТАНЛАНГАН ТОРШЕР ХОНАНИНГ БЕЗАГИ ҲАМ ҲИСОБЛАНАДИ.



САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҚБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«УЗХОЗТОРГ»нинг республика улгуржи базасида РСФСР, Белоруссия, Арманистон ССРда ишлаб чиқарилган торшерлар етарли миқдорда бор.
«УЗХОЗТОРГ».
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ЭКРАНГА ЧИҚАРИЛАДИ

27 НОЯБРЬ— ЖУМА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.40 Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар. Эркин программа. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 19.25 «Дунё воқеалари». 19.40 «Жузеппе Верди». Бадиий фильм (Италия). 21.30 «Время». 22.05 «1981 йил қўшиқлари». Киевдан олиб кўрсатилади. 22.55 «Дунё воқеалари». 23.10 «Ов ҳақида ҳикоялар». Телевизион ҳужжатли фильм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Театр ва замон». Н. Погодин. 20.35 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Дарахтга таъзим эт», «9-пейзаж». 21.15 «Туниғиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Крылья Советов»— «Динамо» (М.). «Крылья Советов» спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тезюрар Мўқа». Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Бойчечак». 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз ишчи бўламиз» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қўшиғим сизга». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Афсус-надомат». Бадиий фильм. 1-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Мангу қаздор». Телефильм. 18.10 «Рейс-сайр». Фильм-концерт. 18.40 «Тошга жон бағишловчи». Телефильм. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 20.50 «Архив». Телефильм. 21.00 «Қишлоқ келинлари». Телевизион ҳужжатли фильм. (рус.). 21.30 МТ IV.

28 НОЯБРЬ — ШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.15 «Время». 10.00 Эрталабки гимнастика. 10.20 «Моҳир қўллар». 10.50 «Ота-оналар. Сизлар учун». 11.20 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали. «Тошдаги учқунлар» (ЮСФР). 11.40 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 12.10 «Спортлото»нинг 48-тиражи. 12.20 «Музикали абонемент». П. Чайковский. Ёил фасллари. 13.15 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». СССР бадиий академияси заллари да ёш рассомлар кўргазмаси. 13.45 «Инсон. Ер. Коинот». 14.30 «Дунё воқеалари». 14.45 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 15.15 С. Танеев, А. Глазунов, Н. Римский-Корсаков романсларини СССР халқ артисти М. Рейзен ижро этади. Фильм-концерт. 15.25 Болалар учун фильм. «Қизил хўроз Пўлмутрок». 16.30 Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Кўп кураш. Эркаклар. Финал. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 17.15 Халқ оҳанглари. 17.25 «Ҳайвонот оламида».

18.25 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.55 «Кинопанорама». 20.30 Союзлар уйининг Колонна залида Совет телевидениесининг 50 йиллигига бағишланган концерт. Танаффус пайтида (21.15) — «Время». Кўрсатув тугагач— Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Кўп кураш. Хотин-қизлар. Финал. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

18.20 «Киносаҳҳатчилар клуби». 19.15 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 20.00 «Яхши ишлаш ҳар доим қийин. Волга «Автоваз» бирлашмаси автомобилсозлари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 «Туниғиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.15 «Время». 21.45 Ҳужжатли фильм. 22.05 «Парад-алле». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программалари

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.55 «Сўз кетидан сўз келар». Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 11.15 Симфоник куйларнинг Бутуниттифоқ фестивали. Литва ССР музикаси. «Баҳор» концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 12.00 Шаҳмат мактаби. Разрядлилар синфи. 12.30 «Бир актёр театри». «Учинчи кабутар ҳақида афсона». Стефан Цвейг туғилган кунининг 100 йиллигига. 12.50 «Ҳаётни янгидан бошлаш». Бадиий фильм (рус.). 14.05 Реклама. 16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси.

18.00 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз». СССР ташкил топган кунининг 60 йиллигига бағишланган ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон болалар программаларининг телевизион фестивали. Туркманистон телевидениесининг программаси. 18.30 «Цирк, цирк, цирк». 19.15 «Ахборот». 19.30 «Сатирик лавҳалар», «Мен сизлар томон хотираларим билан интиламан». Катталар учун мультфильмлар. 20.10 «Ахборот». 20.30 Москва. Союзлар уйининг Колонна залида Совет телевидениесининг 50 йиллигига бағишланган концерт. Танаффус пайтида (21.15) — «Время». 23.05 «Афсус-надомат». Бадиий фильм. 2-серия. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси.

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 Дўстлик экрани. 18.00 «Гулхан». Мактаб ўқувчилари учун программа. 18.30 Болалар учун фильм. «Чопқир олов». 19.00 Янгиликлар. 19.20 «Кубачин тўйи». Телефильм. 19.50 «Чашма». Халқ ижодиёти телевизион клуби. (тожик тилида). 20.30 «Ахбор». 20.55 Концерт. 21.30 МТ IV.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-86; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81 ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; ташриёт диспетчери 32-78-94; ташриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

27 НОЯБРЬ, 1981 й. Р—07435. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В—2199. ИНДЕКС 64690